27 СЕН 1991

Ўзбекистон овози

Кундалик ижтимоий-сиёсий рўзнома

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 188 (21. 055) 1991 йил 25 сентябрь, чоршанба ● Йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

БУ УЛУҒ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР БОР, ЕТМАГАНЛАР БОР

● Республикамиз пойтахтида ўтказилган ўзбеклар (туркистонликлар)нинг биринчи халқаро учрашувидан лавҳалар.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган суратлар (ЎзТАГ).

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

24 сентябрь куни Тошкентда ўзбеклар (туркистонликлар)нинг биринчи халқаро учрашуви бўлди. Бу учрашув «Эл» халқаро уюшмасининг ташаббуси билан ташкил этилди.

Учрашувда ҳозир чет эл мамлакатларида, жумладан, Америка Қўшма Штатлари, Германия, Афғонистон, Саудия Арабистони, Сурия, Иордания, Туркия, Австралияда яшаётган ўзбек ватандошларимиз, қардош қўшни республикалардан келган меҳмонлар иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов учрашув қатнашчиларини самимий табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. КАРИМОВ нутқи

Ассалому алайкум, азиз биродарлар!

Озод, мустақил она диёримиз — Ўзбекистонга, отабоболаримиз азиз ҳоки ётган она тупроққа, бобо-замин Туркистонга хуш келибсиз, азиз ватандошлар, юртдошлар, жигарбандлар!

Қадамларингиз қутлуғ бўлсин, ҳурматли дўстлар!

Бугунги учрашув фақат ўзбеклар билангина эмас, балки тожик, қозоқ, қирғиз, туркман қардошларимиз билан ҳам учрашувдир.

Шу қутлуғ айёмларда дийдор кўришиб, юзма-юз бўлиб, халқимиз, Ватанимиз истиқболи тўғрисида мулоқот олиб бораётганимиз учун ҳаммамиз шукроналар айтмоғимиз керак.

Чунки бу улуғ, тарихий кунларга етганлар бор, етмаганлар бор!

Мен бу онларни улуғ ва тарихий деганим бежиз эмас.

Бунинг боиси бу учрашувимиз Ўзбекистон мустақил республика деб эълон қилинган дастлабки кунларда ўтмоқда.

Бунинг сабаби бу учрашувимиз улуғ бобомиз, бизнинг фахримиз, буюк мутафаккир Низомиддин Мир Алишер Навоий айёмини нишонлаш олдидан ўтаётганидир.

Мана шу Ватанимиз, миллатимиз, халқимиз учун қўшалоқ байрам билан сиз, азизларни, сиз орқали барча ватандошларимизни, узоқ йиллар давомида она юртидан, элидан, қариндошларидан айрилиб, мусофирлик ҳижронларини тортган қондошларимизни чин қалбимиздан табриклашга, қутлашга рухсат бергайсизлар.

Имоним комилки, бу воқеалар ўзбек халқининг ҳар бир фарзанди, ватанпарварлар, юртпарварлар юрагида мангу сақланади.

Азиз дўстлар!

Ҳаммамизга маълумки, мустақилликка эришиш, эркинлик ва озодлик йўли ҳеч қачон енгил бўлган эмас. Биз халқимизнинг, бутун ватанпарвар элимизнинг юз йиллар давомида қилган орзу-умидини рўёбга чиқариш — Ўзбекистонимиз, она юртимиз фаровон яшаши учун, етук мамлакатлар сафидан ўрин олиши, умуминсоний тараққиёт йўлига тушиши учун дастлабки қадам қўйдик.

Халқимизни маънавий ва руҳий жиҳатдан эркинликка чиқариш, фуқароларимизнинг анъаналари ва урф-одатларини, ноҳақ унутиб юборилган ва ўз юртининг мустақиллиги ва озодлиги учун жон фидо қилган аждодларимиз пок номларини қайта тиклаш йўлида қатъий қадамлар қўйдик.

Жумҳуриятимиз, эл-юртимиз бой, жуда катта имкониятга эгадир. Ерости ва ер устидаги бойликларимизни меҳнатсевар, заҳматкаш халқимиз энди бутунлай ўз манфаати учун, оғир қисматини енгиллатиш учун, ўзига, келажак авлодларимизга эркин ва барқарор ҳаёт қуриш учун ишлатади.

Лекин бу ниятлар, бу режалар ва мақсадларга эришиш учун қанчадан-қанча машаққатли ва хавфли йўлларни босиб ўтишимиз, кўпдан-кўп оғир синовларни енгишимиз талаб этилади.

Биз яхши тушунамизки, ҳеч қайси тузум, ҳеч қандай ҳокимият шундай улкан, қимматбаҳо ҳом ашёни арзонгина етказиб берадиган, аслида мустамлака ҳолига тушиб қолган юртни ўз хохиши билан осонликча қўлдан чиқармайди. Буни биз ҳаммамиз жуда яхши англашимиз зарур.

Биз ўз кучимизни яхши биламиз, ўз халқимизга ишонамиз. Биз тинчлик ва осойишталик тарафдоримиз ва фақатгина тинчлик йўли билан, бирорта инсоннинг бурнини қонатмасдан ўз мақсадларимизга эришишга ҳаракат қиламиз ва ўз ниятимизга етамиз, иншоолло!

Бундай олий мақсадларга эришишнинг, халқимизга фаровон ва тинч-тотув турмушни таъминлашнинг, менинг фикримча, битта ягона шарти бор, у ҳам бўлса — биз ҳаммамиз, авваламбор ўз халқимиз, ўз миллатимиз бир тан, бир жон бўлиб, ҳамжиҳатликда курашишимиз, меҳнат қилишимиз зарур.

Шу эзгу орзуларни амалга ошириш учун ўлкамиздаги барча соғлом ватанпарвар кучларни, сиз, азиз ватандошларимизни, юртдошларимизни она тупроғимиз ҳаққи бирлашишга даъват этаман!

Энг аввало, ҳар қандай мафкуравий келишмовчиликлардан йироқ бўлишимиз зарур. Ҳар хил гина-аламларни четга суришимиз керак, улуғ ўзбек халқи, бутун туркистонликларга хос олижаноб фазилатлар ва ватанпарварлик анъаналарига муносиб бўлайлик.

Мен, Ўзбекистон Президенти сифатида, менга халқимиз юклаган бутун масъулиятни зиммамга олиб, сиз, азиз дўстларимни ишонтириб айтаманки:

— Ўзбекистонимиз чинакам эркин ва озод жумҳурият бўлади;

— Унда барча инсонларнинг ҳуқуқлари тенг ҳимоя қилинади;

— Юртимиз жаҳон тараққиётига бағир очиб, маърифат ва имонни ардоқловчи, одам қадри-қимматини эъзозлайдиган юрт бўлади. Мен шунга ишонаман ва сизни ҳам ишонишга чақираман.

Қадрли ватандошлар!

Дунёда ўзбекман деган, туркистонликман деган ҳар бир инсоннинг асл Ватани шу тупроқдир.

Бу тупроқда улуғ бобокалонларимиз ҳоки ётибди. Шу заминда ўтганлар ва шу заминни қўмсаб, унга етолмаганлар руҳи-покларига бош эгамиз. Ота-боболаримизнинг арвоҳлари бизнинг Ватанимиз учун қилаётган хизматларимиздан доим шод бўлсин.

Азизлар!

Сизларга, оилаларингизга соғлиқ, омонлик, бахт-саодат тилайман!

Халқ учун, Ватан учун, она диёр равнақи йўлида қилинаётган барча ҳайрли ишларингизда толе ёр бўлсин!

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Кенгашининг аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров, «Эл» халқаро уюшмасининг раиси А. Мақсудий, Улуғбек номидаги республика жамғармасининг раиси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Носиров, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, шунингдек, Афғонистон, Саудия Арабистони, Сурия, Туркия, Австралия каби мамлакатларда истиқомат қилаётган ватандошларимизнинг вакиллари ҳамда қардош республикалардан учрашувга ташриф буюрган Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистонлик меҳмонлар ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Учрашув Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинган ҳамда буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллик юбилейи байрами кунларида бўлиб ўтаётганлиги, ўзбекистонлик ватандошлар билан дийдор кўришиш улуғ тарихий кун бўлиб қолиши алоҳида таъкидланди. Муҳим аҳамиятга эга бўлган бу учрашув чет эллардаги ватандошларимиз билан алоқаларнинг яхши йўлга қўйилишига хизмат қилади.

Ҳа, Навоийдек улуғ сиймолар, Темурдек жаҳонгирлар, Беруний, Улуғбек, Ибн Синодек буюк алломалар ўтган бу табаррук замин, қадимий Ватан энди-энди эркин нафас оляпти. Азалий миллий қадриятларимиз, тилимиз, урф-одатларимиз тикланяпти.

Биз яхши биламизки, деб айтилди учрашувда, Ғарб ва Шарқнинг илғор мамлакатларига нисбатан Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан қолоқлигини тезроқ бартараф этиш, жумҳуриятимиз халқлари маданиятини равнақ топтириш, миллатнинг фаол салоҳиятини шакллантириш зарур. Бу масалаларнинг ҳаммаси Президентимиз И. А. Каримовнинг диққат марказида бўлмоқда.

Чет эллик ватандошларимиз Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилинганлиги билан қизғин муборакбод этдилар ҳамда ана шу мустақиллик йўлида Ўзбекистон халқларига янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар.

Учрашув қатнашчилари Ўзбекистон халқига Мурожаатнома қабул қилдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев, Ўзбекистон Республикасининг вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ш. Н. Маҳмудова, Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси А. И. Фозилбеков, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Б. А. Назаров қатнашдилар.

(ЎзТАГ).



Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири.

ВАТАН УМИДИ

Агарчи исмим Эркин,
Эрки йўқ, банди кишан бўлдим,
Кўзим боғлиқ, дилим доғлиқ,
Тилим йўқ, бесухан бўлдим.

Кўриб ҳайратга тушди
Бу жаҳон ҳоли паришоним,
Бамисли анкабут сўрган —
Чибин, пажмурда тан бўлдим.

Муаззам Сайҳуну, Жайҳун —
Лабида ташна лаб қолдим,
Кийинтирдим жаҳонни
Жисми урён, бекафан бўлдим.

Чекибдур Бобуру Фурқат
Ватан ҳажрида афғонлар,
Мен эрсам, вах, не ғурбатким,
Ватанда беватан бўлдим.

Олисда, оҳ диёрим, деб
Соғинган, эй ватандошим,
Дема сен ўзни бебахт,
Бахти йўқ аслида ман бўлдим.

Шукрким, келди истиқлол,
Умидим рост қил, Оллоҳим,
Ки шояд беқафас булбул —
Неби соҳиб чаман бўлдим.

Ишончим бор, Ватан, бир кун
Келар чин нурли даврининг,
Дегайман шунда чин Эркин,
Чин инсон қайтадан бўлдим.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА СУҲБАТ

23 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Европа ҳамжамиятлари комиссиясининг элчиси жаноб Майкл Эмерсонни қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида мамлакатни, шу жумладан, Ўзбекистонни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар тилга олинди. Бозор муносабатларига ўтиш, мулкчиликнинг шакллари, шартномавий мажбуриятлар асосида бошқа республикалар билан алоқалар, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банкини, тижорат банкларини тузиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида гап борди. Европа ҳамжамиятларининг иттифоқдош республикалар эҳтиёжларига муносабати муаммоларига эътибор берилди, Ўзбекистон Президенти одамларнинг, айниқса, кам таъминланган кишиларнинг турмушини яхшилаш учун республикада амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида гапириб берди.

Майкл Эмерсон ўзига билдирилган эътибор ва самимий суҳбат учун Ўзбекистон Республикасининг Президентига миннатдорчилик билдирди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Кенгашининг аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ш. Н. Маҳмудова қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ХАБАР

24 сентябрь куни М. М. Расулов раислигида янгиланган партиянинг ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш комиссиясининг мажлиси бўлди. Комиссия Ўзбекистон Компартиясининг фавқулодда XXIII қурултойида тузилган эди. Мажлисда республика бир қанча партия комитетларининг Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг бўлажак тузилишига оид муқобил таклифлари муҳокама қилинди.

ЭЛЧИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

24 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов республикамиз бўйлаб сафар қилаётган Покистон Ислом Республикасининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ашраф Жаҳонгир Қозини қабул қилди.

Суҳбат чоғида мустақиллик қабул қилинганидан сўнг Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ва бошқа алоқаларни йўлга қўйишда катта имкониятларга эга бўлгани таъкидланди. Бу Осиё минтақасидаги давлатлар учун ҳам янги истиқболлар очади. Покистонга келганда, унинг Ўзбекистон билан тарихий ва маданий алоқалари қадим-қадимдан мавжуд бўлиб, чуқур илдизга эгадир. Шу сабабли икки жумҳуриятнинг ҳам савдо-иқтисодий, ҳам маданий соҳалардаги алоқалари янада қалин бўлмоғи лозим. Шунингдек, Ўзбекистон тарихий меросни авайлаб-асраб, Шарқнинг буюк мутафаккири ва шоири Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигини тантанали нишонлашга ҳозирлик кўраётгани ҳам таъкидланди.

А. Ж. Қози Покистон Ислом Республикаси халқи ва унинг Президенти Ғулом Исҳоқхон номидан Ўзбекистон Республикасининг халқига ва Президенти И. А. Каримовга Ўзбекистон мустақиллиги қабул қилгани муносабати билан оғзаки табригини топширди.

Элчи Покистон Бош вазири Мнён Навоз Шарифнинг И. А. Каримовга ўзи учун қулай бўлган вақтда Покистонга келиш тўғрисидаги шахсий таклифномани топширди. Таклиф миннатдорчилик билан қабул қилинди. Ташриф муддатлари қўшимча тарзда келишиб олинади.

Иккала томон ўзаро манфаатли асосда муносабатларни мустаҳкамлашга тайёр эканини изҳор қилди. Ўзбекистон билан Покистонни бирлаштирадиган ҳаво йўлини, савдо уйларини, шунингдек, Тошкентда Покистоннинг Бош консулхонасини очиш имкониятлари дастлабки тарзда гаплашиб олинди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов, Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Ш. Н. Маҳмудова қатнашдилар.

Суҳбатда Покистоннинг СССРдаги элчихонаси маслаҳатчиси Жавид Санд ҳам иштирок этди.

(ЎзТАГ).

Эшитмадим, деманглар!

ҚЎШМА БАЁНОТ

● Тоғли Қорабоғ мухтор вилояти билан боғлиқ муаммоларнинг мураккаб муҳокамасидан сўнг РСФСР, Қозоғистон ССР, Озарбайжон Республикаси ва Арманистон Республикаси раҳбарлари қўшма баёнот имзоладилар.

Улар ўз ҳаракатларида мустақил давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қондаларига риоя этишади.

МАТБУОТ КОТИБИНИНГ ИЛК УЧРАШУВИ

● СССР Президенти ўз Матбуот шўбасининг раҳбари этиб Андрей Грачевни тайинлаганлигидан хабардорсиз.

Куни кеча у СССР Ташқи ишлар вазирлиги матбуот марказида совет ва хорижий журналистлар билан ўзининг биринчи учрашувини ўтказди.

ОВОЗГА ҚЎЙМАЙДИ

● СССР нинг собиқ ташқи ишлар вазири Э. Шеварднадзе Американинг Эй-Би-Си телекомпанияси мухбири билан суҳбатда Иттифоқ Президенти лавозимига ўз номзодини овозга қўймаслигини айтди.

ЯНГИ ЙЎЛГА ЎТИШ ДАВРИ

● АҚШ Президенти Ж. Буш БМТ Бош ассамблеяси 46-сессиясида нутқ сўзлади. У ҳозир тинчлик ва фаровонликни вужудга келтириш тўғрисида, совуқ уруш тугаган ва тарих янги йўлга ўтиб олган даврҳақида сўзлади.

(ТАСС материаллари асосида).

• Нуқтаи назар

БОБОДЕҲҚОНГА ТАЪЗИМ

● Мустақиллик қалам соҳибларига ҳам ўз соҳалари бўйича нуқтаи назарларини эркин, бемалол изҳор этиш имконини бермоқда. Шу муносабат билан бугундан эътиборан «Ўзбекистон овози» рўзномаси ижодий ходимларининг минбарини ташкил этяпмиз.

Сўз — рўзнома деҳқончилик саноати бўлими мудири, таниқли журналист Ҳамид Иқромовга. У дилида тўплаб юрган фикр-мулоҳазаларини сиз билан баҳам кўради. Бинобарин, Сиз — азиз муштарийлар кўтарилган мавзу, муаммолар, таклифларни ўз фикр-мулоҳазаларингиз билан тўлдирасиз, деган умиддамиз.

ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ сиёсий ва иқтисодий мустақиллик йўлида қўйган дадил қадами халқимиз ҳаётида чинакамига катта воқеа бўлди. Шукурки, шу кунларга ҳам етиб келдик!

Биз турғунлик даври, яъни зўравонлик, буйруқбозлик, тўрачилик сиёсати халқ хўжалигининг бошқа соҳалари каби қишлоқ хўжалигига етказган зарари оқибатларини узил-кесил тугатишдек мураккаб бир даврда яшаётганимизни яхши тушунамиз. Бугунги қийинчиликларимизнинг туб илдизлари ҳам ана шунга бориб тақалади. Мавжуд қийинчиликларни қандай қилиб енгиш ҳақида кўпроқ бош қотиряпмиз. Ўзинг учун ўл етим, деганларидек ички имкониятларни қидира бошладик. Бунда тадбиркор, ақлли одамларга, яъни бўм-бўш жойда тўкинлик яратишнинг уддасидан чиқаётган, кичик цехлар, хатто корхоналар қураётган, республикамизни ҳом ашё базасидан саноат асосига кўчиришга қўлидан келганча интилаётган, халқ ибораси билан айтганда йўқни йўндираётган фидойиларга умид боғлаяпмиз. Ички ресурслар ни ишга солиб, тенгма-тенг мол айирбошлашнинг уддасидан чиқаётганларга тасанно.

Сир эмас, бугун азамат деҳқонларга ҳам ҳамма катта умид боғлаяпти. Аввало республикамиз равнақи йўлидаги фидойилик билан қилган меҳнатлари учун уларга ташаккурлар бўлсин. Баҳорги офатларни енгганларга ҳурмат-эҳтиромимиз, энг яхши истак ва тилакларимизни йўллаш ҳам қарз, ҳам фарздир. Олам пайдо бўлгандан бери энг ноёб ва фойдали касб деҳқончилик эканлиги ҳеч кимга сир бўлмаса керак. У одамзод тирикчилигининг бош манбаи бўлиб келган. Ерга меҳр, уни эъзозлаш ота-боболаримиздан бизга меросдир. Қишни қиш, ёзни ёз демай, иссиқ-совуғига чидаб мардона меҳнат қилаётган деҳқонлар таърифи бугун ҳар қандай сўзлардан улуғдир. Табаррук, мустақил заминимиздан ризқ-рўзимизни ундираётганлар деҳқонлар. Бизларни боқиб, кийинтираётганлар ҳам деҳқонлар.

Аммо деҳқоннинг ҳам деҳқони бор, дейдилар. Ўзбек халқи деҳқон деб ҳаммани ҳам айтавермайди. Бутун меҳру муруввати, қалб қўри, кўз нурини бир умр ерга — она заминга бағишлаган чинакам меҳнаткашни деҳқон деб атайди.

(Давоми иккинчи бетда).

ҚУТЛУҒ МАРАКА АРАФАСИДА

Мир Алишер Навоий йили — халқимиз тарихида қутлув сана, катта миллий байрамимиздир. Бу — унинг бебаҳо меросига иззат-ҳурмат, фахр-ифтихоримиз нишонасидир, деб таъкидланди 23 сентябрь куни бўлиб ўтган юбилей комитети аъзоларининг мажлисида.

Юбилейга тараддуд ҳал қилувчи паллага кирди. Буюк шоирнинг 20 жилдлик мукаммал асарлар тўплами нашр этилмоқда. Ҳозир унинг 8-жилди ўқувчилар қўлига етиб борди. Буюк мутафаккирнинг «Ҳикматлар»и, «Кўзимнинг мардуми», «Муножот» сингари тўпламлари ҳам нашр этилди. Навоийшунос олимлар ҳам янги тадқиқотларини шоир тўйига туҳфа этдилар. Театр арбоблари, кинопубликистлар, рассомлар ҳам тўйга муносиб тўёналар тайёрладилар. Юбилей арафасида Алишер Навоий номидаги давлат мукофотлари берилади. Шу шодиёна кунларда А. Навоий номидаги Ўзбекистон давлат адабиёт музейи очилади. Пойтахтимизда буюк мутафаккир номи билан аталадиган миллий боғга асос солинди. Унда буюк бобомизнинг сиймоси қад кўтаради.

Мажлис қатнашчилари юбилейни ўтказишга даҳлдор тадбирларнинг қандай кечаётганлигини теран таҳлил этдилар. Шоир тўйига Эрон, Афғонистон, Италия ва АҚШ сингари чет эл мамлакатларидан, қардош республикалардан кўплаб меҳмонлар келишади.

Ўзбекистон Президенти Кенгашида бўлиб ўтган ушбу мажлисни Президент маслаҳатчиси Б. Назаров олиб борди. Юбилейга тайёргарлик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров ахборот берди.

(ЎзТАГ).

Мақсудахон Орзиқулова Қувасой чиннисозлик заводининг тайёр маҳсулотларни ўраш участкасида кўп йиллардан буён ишлайди. У зиммадаги топшириқларни доимо ошириб бажаради, ёшларга касб сирларини ўргатишдан сира чарчамайди.

Дарвоқе, Мақсудахон опанинг оиласини чиннисозлар оилавий сулоласи, дейиш мумкин. Чунки унинг ўғил-қизлари, келин-куёвлари корхонанинг турли цех ва участкаларида самарали меҳнат қилишади. Улар ташаббускорлиги ва меҳнатсеварлиги билан завод аҳлига ўрнак бўлишмоқда.

Р. ШАРИПОВ олган сурат.

ЗАМИН ТАҚДИРИ — ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

• «Ўзбекистон овози» ижрони текширади

Сув — бу ҳаёт, дейишади. Дарҳақиқат, шундай. Айниқса, Орол бўйида яшаётган аҳоли учун об-ҳаёт ниҳоятда қадрли. Бугунги кунда ушбу минтақада сувнинг ҳар бир томчисини тежаш, аввалаш экологик аҳволнинг яхшиланишига оз бўлса-да хизмат қилмоқда. Бироқ Орол денгизини, унинг атрофида яшаётганлар тақдирини томчи сув билан ҳал қилиб бўлмайди.

Тўғри, мамлакат ҳукумати Орол минтақасидаги экологик ва иқтисодий аҳволни яхшилаш мақсадида 1988 йилнинг 19 сентябрида махсус қарор қабул қилди. Ушбу қарорга мувофиқ, ўша йилиёқ «Аралводстрой» махсус қурилиш бирлашмаси ташкил этилди. Унга минтақада сув хўжалиги объектларини, жумладан магистрал ва хўжаликлараро коллекторларни қуриш ва реконструкция қилиш, каналларни тозалаш ва сув тўплаш тадбирларини амалга оширган ҳолда қайтадан таъмирлаш вазифаси юклатилди. Уй-жой объектлари, коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш, халқ таълими муассасалари барпо этиш, шунингдек, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш, хуллас, Орол бўйи минтақасидаги аҳволни яхшилашнинг аниқ тадбирлари белгиланди.

Бироқ Иттифоқ мутасадди ташкилотларининг моддий-техник ёрдами етарлича бўлмади. Қарор қабул қилинди-ю, унинг ижросига келганда изчиллик етишмади. Натижада ҳамма оғир юк яна жумҳуриятнинг ўзида қолди. Республика ҳукумати Орол денгизини қутқариш мақсадида «Аралводстрой» бошқармаси зиммасига бир қатор аниқ вазифалар юклади. Жумладан, чап қирғоқ бош зовури (коллектор)ни, Устюрт ва Аёзқалъа магистрал зовурларини қуриш ва таъмирлаш, Мўйноқ Ажибой, Жилтирбас кўрфазлари ва Ўрта дарё сув омборидаги, шунингдек, Думалоқ кўли таркибидаги сув ҳавзаларини об-ҳаёт билан тўлдириш масаласи қўйилди.

Ҳозир бу йўналишда тегишли ишлар олиб бориляпти. Бир қанча ҳавзалар об-ҳаёт билан тўлдирилмоқда. Уларнинг атрофидаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ҳам аҳамият бериляпти. Умуман дарё бўйларидаги табиий муҳитни яхшилаш чоралари кўрилмоқда.

Ўзбекистон ва Туркманистон республикаларидан Амударёга тушаётган оқава сувларни ажратиб олиш учун ўнг қирғоқ бош зовури қуриляпти. Ушбу тадбирга 1641,0 миллион сўмлик капитал маблағ ажратилган. Зовурни уч навбатда тўлиқ фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

Ўнг қирғоқ бош зовури Қорасув дарёсидан бошланиб, Сурхондарё вилоятидан ўтади. У Сурхон — Шеробод массивидаги оқаваларни олиб, Туркманистоннинг Чоржўй вилоятидаги Қарлуқ, Мурин, Йўлангиз, Хўжамбой массивидаги зовурларга келиб қуйилади. Сўнгра, ушбу оқавалар Бухоро ва Хоразм вилоятдаги зовурлардан ўтиб, Қорақалпоғистон жумҳуриятидаги Жанадарёга келиб тушади. Энг сўнгги манзил — бу оқавалар Орол денгизига бориб қуйилади.

Қорақалпоғистон жумҳуриятидан ўтадиган зовурнинг узунлиги 195 километр бўлиб, у Оқчадарё номи билан аталади. Ушбу иншоот қурилиши уч навбатдан иборат. Ҳозир биринчи навбат қурилишини Бўстон сув қурилиши ва Жанубий сув қурилиши трестлари олиб бориляпти. Уни тиклаш учун 1991 йилга 5525 минг сўм капитал маблағ ажратилган. Умуман олганда, чап ва ўнг қирғоқ бўйидаги зовурларни қуриш жадал бормоқда.

Албатта, бу иншоотларни барпо этиш Амударё суви сифатини яхшилашга хизмат қилади. Бироқ, кейинги пайтда Амударё сувининг минераллашуви илгариги ҳолатидан икки баравар кўпайиб кетди. Пестицидлар таркиби ҳам 7 фоизга ошди. Улар дарёнинг ўрта-юқори оқимига қишлоқ хўжалигида, саноатда ишлатилган оқава ва дренаж чиқинди сувларининг ташланиши натижасида содир бўлмоқда.

Эндиликда бунга чек қўйиш, жуда бўлмаса, оқава сувларни кескин камайтириш лозим. Агар аҳвол шу тариқа давом этаверса, экологик кулфат доираси кенгайиб, бутун Қорақалпоғистон аҳолиси саломатлигига хатар солиши мумкин.

Хўш, минтақадаги аҳволни яхшилаш учун нима қилиш зарур? Аввало, Амударёга ҳар хил оқава ва дренаж сувларини оқизишни тўхтатиш керак. Яқинда Туркманистон ҳукумати бу борада тегишли қарор қабул қилди. Эндиликда Амударёга оқава-дренаж сувларини ташлашга йўл қўймаслик ҳақида жумҳурият ҳукумати, шу жумладан унинг таркибидаги Қорақалпоғистон республикаси ҳам тегишли қонунни қабул қилиши керак. Зеро, бундай ҳуқуқий актлар қабул қилинса, қўшни республикалар учун ҳам намуна ролини ўйнаган бўлур эди.

Фикримча, ушбу қонунни қабул қилиш билан чекланмасдан, уни амалга ошириш учун аниқ тадбирлар ҳам ишлаб чиқилиши зарур. Масалан, барча зовурлар қурилишини умумхалқ қурилишига айлантириш керак. Ана шунда аниқ бир натижаларга эришиш мумкин.

Тўғри, ҳаётимиз кунданкунга ўзгариб бормоқда. Шунга кўра, одамларнинг жамиятда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга муносабати ҳам ўзгаряпти. Эндиликда она-юрт, замин тақдири ўз халқини, туғилиб ўсган диёрини севган, қадрлаган ҳар бир фуқаронинг ташвишга солаяпти. Жумладан, Орол фожиаси ҳам кўпчиликни бефарқ қолдиргани йўқ. Ҳа, замин тақдири ўз қўлимизда. Шундай экан, уни аввалаб-асраш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз бўлмоғи шарт.

Ж. ҚОРАБОЕВ,
Орол сув қурилиши ихтисослашган бинокорлик бирлашмаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, Қорақалпоғистон республикаси халқ депутати.

БОБОДЕҲҚОНГА ТАЪЗИМ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Халқимизда олдин иқтисод, кейин сиёсат деган гап бор. Бекорга айтилмаган бу. Етмиш йилдан бери сиёсат иқтисодиётни бошқариб келди, деҳқон эркини бўғиб қўйди. У қанот ёза олмади. Энди иқтисодиёт сиёсатдан ҳоли. Тўғри-да, қорни тўқ, эгни бут бўлсагина унинг қулоғига гап киради. Унинг устини бут, дастурхонини тўкин қиладиган эса минг-минглаб деҳқонларимиз, ўз касбининг усталари, халқ ибораси билан айтадиган бўлсак, пирларидир.

Агар дон кесак устига тушса, қуриб, қурт-қумурсқага ем бўлади, агар у яхши ишлов берилган бўрсилдоқ ерга экилса мўл ҳосил ўнади. Бир туп дарахтдан бир қадоқ ҳам, ўн пуд ҳам олма олиш мумкин. Ёки бир туп ғўзада бешўнта ҳам, ундан ортиқ ҳам кўсак пишиб етилиши мумкин. Демоқчимизки, мўл ҳосил олиш деҳқоннинг ўз қўлида, мустақил иш юритишида, унинг маҳоратида, касбига меҳрида. Миришкорларимиз деҳқончиликдан дарс олишга муҳтож эмаслар. Бунинг дастуруламалини ўзлари ҳаммадан яхши биладилар. Аммо икки-уч оғиз истакларимиз бор.

БИРИНЧИ масала — пахта яккаҳокимлиги. Республикамизда ўтмишда бу соҳада йўл қўйилган хатоларни ҳар жиҳатдан тузатишга, бутунлай барҳам беришга астойдил киришилди. Бултур бунинг гувоҳи бўлдик. Пахта ҳашарчилар ёрдамисиз йиғиб-териб олинди. Теримчиларнинг ва механик-ҳайдовчиларнинг моддий манфаатдорлиги оширилди. Бу йил ҳам шундай бўляпти. Хомчўтларга қараганда бултур республикамиз пахтакорлари қўшимча бир миллиард сўм даромад қилган бўлсалар, бу йил киссалари янада бойийди.

Шунингдек пахта майдонларини қисқартириш ва ялпи ҳосил миқдорини камайтириш йўлида анчагина ишлар қилинди. Ер тўғрисидаги Президент Фармонидан кейин пахта майдони қисқарди, бир неча минг гектар ер одамларга бўлиб берилди. Деҳқонларнинг томорқалари деярли икки баравардан зиёд кўпайди. Бу иш ҳали яна давом эттирилади.

Энди ҳамма гап ажратиб олинган ана шу ерлар ҳисобига мавжуд пахта майдонларида ҳосилдорликни кескин кўтаришда қолган. Агар биз шунга эришмасак, барча ҳаракатларимиз зое кетаверади.

Республикамизда минглаб гектар пахта майдонларини деҳқонларга бўлиб беришимиз бу — деҳқончиликдаги ҳақиқий инқилоб, деса бўлади. Нега шундай деяпмиз? Ёдингизда бўлса, Октябрь инқилоби айёмида «Ер — деҳқонларга!» шиори ўртага ташланган эди. Ўзбек деҳқонлари эса энди шу ерга эга бўлиб турибдилар. Ердан унумли фойдаланиш ҳамма замонларда муҳим масала бўлиб келган. Аммо ернинг умрини бекор ўтказаётганлар ҳам, афсуски, бор. Халқимизда ер — бебаҳо бойлик, деган нақл бор. Биз унинг қадрсизланишига, фойдаланилмасдан бекор ётишига, ҳеч кимнинг ерга эгасизларча муносабатда бўлишига йўл қўймаслигимиз керак. Ўз навбатида айбни бутунлай ер олган кишига қўйбермай, фойдалана олинмаётганларини сабабларини ҳам пухта ўрганиб, алоҳида-алоҳида баҳо беришимиз адолатдандир. Уни бундан буён ўз касбининг, ернинг ҳақиқий пирларига бериш ҳақида ҳам ўйлаб кўрсак ёмон бўлмайди. Пахтага, ерга ҳақиқий муносабат биримизни икки қилишини, уст-бошимиз ҳам, озиқ-овқатимиз ҳам мўл бўлишини таъкидламасак ҳам, ўзи аён. Кўп жойларда ер қадрига етишмоқда. Аммо биз мамлакатимизнинг сиёсий эҳтиросларини жунбушга келаётган айрим минтақаларида буни кўрмаймиз. Балки аксини кўрамиз: уларда маҳсулот етиштириш ҳам, харид қилиш ҳам камайиб кетяпти, сохта «демократ ишбошилари» эса вужудга келган бу тангликдан бошларини қаёққа уришларини билишмаяпти. Халққа эса кўча митинглари, қуруқ сафсатабозлик, бақириқ-чақириқлардан кўра дастурхонига қўйдиган мева-чева ва нон, замонавий кийим-бош ва энг муҳими, хонадонида тинчлик ва хотиржамлик керак. Республикамизнинг мустақил давлат деб эълон қилиниши эса худди шу нарсаларга кафолат беради. Мингминг йўллар орқали Иттифоқ билан боғланиб кетган Ўзбекистонимиз иқтисодий муаммоларнинг ҳаммасини алоҳида ўзи ҳал қилолмайди, албатта. Шунинг учун бизга ҳамжиҳатлик, аҳиллик сув билан ҳаводай зарур.

Иккинчи муҳим масала — деҳқон фаолиятига эркинлик берилиши тўғрисидаги масаладир. Ҳаддан зиёд буйруқбозлик, деҳқон ишига аралашавериш унинг қўлини боғлаб келди, дедик. Республикамизда бунга ҳам чек қўйилмоқда. Кейинги йиллардаги ўзгаришлар бунинг далилидир. Шу пайтгача Ўзбекистон пахтаси Москвада сотилар, бу иш билан «Союзглавлегпромсирье» деган Бутуниттифоқ ташкилоти шуғулланар эди. Энди республикада бу вазифани Ўзбекистон республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таъминот ҳамда енгил саноат хом ашёси ва маҳсулотини сотиш бош бошқармаси амалга оширяпти. Янги йил арафаларида Тошкентда пахта маҳсулотини улгуржи сотиш жумҳуриятлараро ярмаркаси бўлиб ўтди. Бу ярмарка бугунги деҳқоннинг ўзини эркин ҳис этишини намоён қилди. Бу йил пахта толасининг фақат 40 фоизигина давлат буюртмасига кўра юқоридан белгиланган қатъий нархларда сотилди. Бу мудофаа хизматлари, тиббиёт ва бошқа заруур эҳтиёжлар учун керак, албатта. Аммо, қолган қисмининг олди-сотдисида нарх икки томон келишуви асосида белгиланди. Бу бозор иқтисодиётига ўтиш арафасидаги дастлабки қувончли қадам бўлди.

Кўп вақтлардан бери деҳқонга ақл ўргатишга ва унинг қандай яшашини белгилаб беришга уринишлар оқибатида вужудга келган муаммоларни бирданига ҳал қилиб бўлмайди, албатта. Бозор муносабатларига ўтар эканмиз, биринчи навбатда элимиз тўқ, дастурхонимиз тўкин бўлишини таъминлашимиз лозим. Бу муаммони фақат деҳқоннинг оғирини енгил қилиш, унга амалда эркинлик бериш билангина тўла ҳал этиш мумкин.

Учинчи масала — шу пайтгача республикамиз асосан хом ашё базаси бўлиб келди. Пахта ва бошқа зироат экинларидан олинган ҳосил бошқа жойлардаги қайта ишлаш корхоналарига йўлланди. Энди деҳқон ўз мулкининг султони бўладиган давр келди, ахир. Шаҳар саноатининг бир қисмини қишлоққа кўчириш режалари аллақачон тузилган. Бундан мақсад ўзимиз етиштирган маҳсулотларни ўзимизда қайта ишлаб, халқимизни керакли бўлган газлама, кийим-кечакдан тортиб бошқа зарур нарсалар билан тўла таъминлашдир. Бунинг учун хом ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган қувватларни имкони борича тезроқ барпо этиш, у бор жойларда эса қўпайтириш чораларини кўришимиз зарур. Бу ишларнинг рўёбга чиқиши сиз, азиз бободеҳқонларга ҳам боғлиқ. Нега? Чунки ҳосилдорликни ошириш билангина иш битмайди. Энди маҳсулот сифатини ошириш ҳам қарз, ҳам фарз эканлигини унутмайлик. Эсингиздами, халқимиз «Техника — деҳқоннинг қаноти», «Сув — зар, сувчи — заргар», «Механизатор — далада асосий фигура», «Асат — экинингни ясат» каби ибораларни бежиз кашф этмаган. Улар ҳозир ҳам ўз тароватинг сақлаб турибди. Яъни нимага асосий эътибор бериш зарурлигини ёдга солмоқда.

БОЗОР муносабатларига ўтилгандан кейин деҳқоннинг бозори ҳам қайнаши турган гап. Чунки янги шароитда моли яхши, сифатли бўлганнинг бозори чаққон бўлади. Ҳозир стандарт деган гаплар чиққан. Стандарт — жаҳон мамлакатлари дунё бозорида қабул қилган асосий мезон, ўлчов. Маҳсулот унинг талабига тўла жавоб бериши учун махсус лабораторияларда синалади. Масалан, ҳозир Тошкентда пахтани стандартлаш, синаш ва сертификациялаш маркази ишлаб турибди. Ҳатто Америка Қўшма Штатлари, Англия, Швейцариядаги бир қанча фирмалар у билан ҳамкорликда ишлаш истагини билдиришган. Мустақиллик шароитида ҳар бир жамоа ўз олдида турган вазифаларни бажариш учун астойдил ёпишиши, бир ёқадан бош чиқариб ишлаши керак. Кутиб ўтиришга эса вақт йўқ.

Тўртинчи масала бу — қишлоқларимизнинг бугунги қиёфаси, уларни ободонлаштириш, қишлоқ аҳлининг ижтимоий аҳволини яхшилашдир. Ҳозир қишлоқларга бориб қолгудек бўлсангиз, бузилган, қинғир-қийшиқ йўлларга, бир амаллаб эпақага келтирилган шифохоналару мактабларга ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига дуч келасиз. Инсон саломатлиги, фарзандларимиз соғлиғи, истиқболимиз равнақи учун бениҳоят зарур бўлган бундай хизмат кўрсатиш корхоналарини қачон қурамиз ёки тузатамиз-у, қачон деҳқонларимиз яйраб-яшнаб яшашади?! Қишлоқларни газлаштириш ва ичимлик сув билан таъминлаш масалалари қачон ҳал этилади? Ўзбекистон Олий Кенгашида бу масаланинг қўйилганига ҳам анча вақт бўлиб қолди.

Бешинчи масала — ҳар қандай деҳқончиликнинг асоси, энг аввало, уруғчилик билан боғлиқ. Янги, тош босадиган навларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш борасидаги ишларимиз ҳали тилга олгудек эмас. Ҳолбуки, республикамизда кўплаб илмий-тадқиқот марказлари, муассасалар, олийгоҳлар бор. Лекин кейинги йилларда уларнинг ишидан салмоқли наф кўраётганимиз йўқ. Буни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Президенти шу йил 1 июлдан Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академиясини ташкил этиш ҳақида Фармон чиқарди. Энди ўнлаб илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш ташкилотлари ишидаги тарқоқликка барҳам берилади, олимларнинг иши мувофиқлашади, ягона марказ мустақил республикамиз қишлоқ хўжалигининг дунёдаги нуфузини оширади, олимларимиз ўз салоҳиятларини асосли амалий ишларга тўла сафарбар этадилар, деб ўйлаймиз.

Буюк ипак йўли давридан бошлаб ҳалқаро алоқаларни йўлга қўйган бободеҳқон ўзбегим етиштирган пахтасию қоракўли, тилёрар мевасию қовун-тарвузи, қўйингчи, барча ширин-шакар маҳсулотлари билан бугунги кунда жаҳоннинг истаган мамлакатини лол қолдиришга қодирдир. У ортиқча улуғлашга ҳам муҳтож эмас, чунки номи, касби, иши ўзи улуғ! Ҳаётимиз баракаси, тароватинг ўзи билан. Сенга таъзим, бободеҳқоним!

Шу ва бошқа деҳқончилик муаммолари ҳақида «Ўзбекистон овози»да йил давомида ўқиб борасиз. «Деҳқончилик саноати: тадбиркорлар бор бўлсин», «Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт», «Хориждаги ҳамкорларимиз», «Мустақил деҳқон эркин», «Анъаналаримизни тиклайлик», «Шахсий хўжалик муаммолари» ва бошқа рукунлар остида ранг-баранг, қизиқарли мақолалар бериб борилади. Уларда деҳқонларнинг маънавий ва руҳий жиҳатдан чинакам эркинлиги нималарда намоён бўлиши, бободеҳқонларимизнинг унутиб юборилган айрим асрий анъаналари, фидойи қишлоқ кишиларининг бугунги маънавий қиёфаси ҳақида ҳикоя қилишга интиламиз.

Ҳамид ИКРОМОВ,
Деҳқончилик саноати бўлими мудири.

ВИЛОЯТ КЕНГАШЛАРИ СЕССИЯСИДА

Наманганда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлди. Маҳаллий Советлар ва уларнинг ижроия органлари аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларини бажариш юзасидан олиб бораётган ишлар муҳокама қилинди.

Сайловчиларнинг наказлари қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди.

Вилоят Кенгаши депутатларининг қарори билан Наманганда В. И. Ленин номидаги майдон «Тинчлик» майдони деб аталадиган бўлди. Сессияда халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг раиси Б. Ж. Ҳакимов нутқ сўзлади.

* * *

Андижонда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессияси бўлди. Сессия қатнашчилари озиқ-овқат маҳсулотлари ресурсларини кўпайтириш ҳамда вилоят аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш учун бундай маҳсулотларни қишга ғамлашга доир биринчи навбатда бажариладиган чора-тадбирлар тўғрисида вилоят ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, вилоят деҳқончилик-саноат бирлашмасининг раиси И. Қ. Қурбонов маърузасини муҳокама қилдилар.

Уй-жой, коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш доимий комиссиясининг иши тўғрисидаги ҳисобот тингланди ҳамда корхоналар ва муассасаларга лойиҳалаштириш, қуриш ва экин экиш учун ер участкаларини танлаш ва ажратиш масалалари ҳал қилинди.

Сессия Андижондаги Октябрь майдони номини ўзгартириб, унга Бобур номини бериш ва келгусида бу ерда унинг ҳайкалини ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Вилоят «Коммунист» рўзномаси номини ўзгартириб, уни «Андижоннома» вилоят ижтимоий-сиёсий газетасига айлантириш ҳақида қарор қабул қилинди.

Сессия қатнашчилари дўконлар ва бозорларни халқ истеъмоли моллари билан тўлдиришда халқ усталарининг катта ҳиссасини ҳисобга олиб, ҳар йили сентябрь ойининг иккинчи шанба куни «Ҳунармандлар ва амалий санъат ходимлари куни» байрамини нишонлашга қарор қилдилар.

Сессияда халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси Қ. Ҳ. Холмирзаев нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).



— Ҳадемай қиш-қировли кунлар бошланади, — дейди Ангрен кўмир кони 9-шахтаси бригада бошлиғи Р. Ғайнулин. — Бу даврда халқ хўжалиги ва аҳолининг ёқилғига бўлган эҳтиёжини тўхтовсиз қондириб туриш ўта муҳим. Шу боис биз бугунги кунда самаралироқ ишлашга ҳаракат қиляпмиз.

Дарҳақиқат, Р. Ғайнулин бошлиқ бригада жамоаси юксак маромда ишлаб, кўмир қазиб олиш режаларини муттасил уддалаб келмоқда. Кончилар меҳнатнинг янги усулларини дадиллик билан ишлаб чиқаришга жорий этишяпти. Уларнинг ибрати шахтада, қолаверса кон жамоасида кенг ёйилмоқда.

СУРАТДА: чапдан ўнгга — Ангрен кўмир кони 9-шахтаси илғор шахтёрлари В. Николаевский, Р. Ғайнулин (бригадир) Б. Нишонов, А. Номозбоев.

Э. КОМИЧ олган сурат.

ҲОЗИРГИ ЖАМИЯТДАГИ ХОТИН—ҚИЗЛАР

Тез ўзгараётган ҳозирги дунёда хотин-қизларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш муаммолари Ўзбекистон хотин-қизлари комитети пленуми қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Комитет раиси Ҳ. У. Ҳудойбердиева маърузасида ва нутқларда комитет фаолиятининг асосий йўналишлари батафсил муҳокама қилинди. Хотин-қизлар учун ижтимоий кафолотлар тизимини ишлаб чиқишда, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хотин-қизларга касб ўргатиш масалаларида шу жамоат ташкилотининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи идоралар билан баҳамжиҳат ҳаракат қилиши зарурлиги таъкидланди.

Пленумда Ўзбекистон хотин-қизлари комитетининг Устави ҳамда «Ўзбекистон хотин-қизлари комитети фаолиятининг Асосий йўналишлари» қабул қилинди.

Ноябрь ойининг ўрталарида бўладиган Совет хотин-қизлари комитети конференциясига вакиллар сайланди.

(ЎзТАГ).

ТАЪСИС ЙИҒИЛИШЛАРИ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси деҳқончилик-саноат мажмуини моддий-техникавий таъминлаш ва техникани созлаш давлат-кооператив комитети — «Узсельхозснабремонт»нинг таъсис мажлиси бўлди.

Янги тузилган комитет олдига ҳозир вужудга келган иқтисодий шароитда Ўзбекистон деҳқончилик-саноат мажмуи бутун машина-трактор паркини ишончли ремонт қилиш ва эҳтиёт қисмлар ҳамда агрегатлар билан узлуксиз таъминлашдек муҳим вазифа қўйилмоқда. Бунинг учун тармоқни ташкил этиш ва бошқаришга янгича ёндашиш, бозор муносабатларида самарали ишлай оладиган ишлаб чиқариш тузилмаларини барпо этиш зарур, деб таъкидланди нутқларда.

Йиғилиш қатнашчилари ремонт корхоналари ишини барқарорлаштиришга қодир бўлган республикада қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиш учун зарур ускуналар, узеллар ва деталларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, мамлакатнинг бошқа минтақалари билан биргаликда қўшма корхоналар барпо этиш, қўшни республикалардаги шу турдаги хизматлар билан бевосита алоқалар ўрнатиш каби бир қанча аниқ чора-тадбирларни таклиф этдилар.

«Узсельхозснабремонт» комитети зиммасига иқтисодий мустақиллик олган вилоят бўлинмалари ишини мувофиқлаштириш идораси вазифаси ҳам юклатилмоқда. Барча тузилмалар билан пухта баҳамжиҳат ҳаракат қилиш, тармоқни тўла компьютерлаш кўзда тутилган.

Таъсис йиғилишида Р. Ҳ. Ҳусанов комитет раиси этиб сайланди.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги жамоа хўжаликларида қурилиш ишларини олиб борадиган республика Давлат-кооператив бирлашмаси «Узколхозстрой» мустақил ҳуқуқий мақомга эга бўлди. Бирлашманинг Тошкентда бўлиб ўтган таъсис йиғилишида шу ҳақда маълум қилинди.

Бир вақтлар қудратли пудрат ташкилоти бўлган ушбу қурилиш ташкилоти беш йил олдин «Узагрострой» бирлашмаси таркибига киритилган эди. Натижада техника-ишлаб чиқариш базаси, малакали мутахассислар, жумҳурият жамоа хўжаликларини обод қилиш хусусида тўпланган тажрибанинг анчасидан маҳрум бўлинди. Йиғилиш қатнашчилари таъкидлаганларидек, эндиликда «Узколхозстрой» бирлашмасининг олдинги шон-шуҳратини тиклаш, бунинг учун меҳнатни ташкил этиш ва қурилиш ишлаб чиқаришининг самарали усулларидан, фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш зарур бўлади. Жумладан, бригада пудратини мумкин қадар тез жорий этиш кўзда тутилган, деҳқонларга пулли хизмат кўрсатишни, майда фермер хўжаликларини, ёрдамчи биноларни қуриб беришни анча кенгайтириш режалаштирилган. Шу билан бир вақтда қишлоқда турли ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маиший иншоотлар қуриш бирлашма ишининг энг муҳим йўналиши бўлиб қолаверади.

Йиғилишда бирлашманинг ички тузилиши тасдиқланди, унинг Устави қабул қилинди, раҳбар органлари сайланди. В. Ш. Камолов бирлашма бошқарувининг раиси этиб сайланди.

«Узсельхозснабремонт» комитети ва «Узколхозстрой» бирлашмаси таъсис йиғилиши қатнашчилари ҳузурида республика Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

АБАДИЙ ҲАМНАФАСЛИК

Буюк шоир ва мутафаккир Мир Алишер Навоий ижоди мисоли бир уммон, унга шўнғиб, қанча чуқур қатламларига кириб борсанг, шунча пурмаъно, теран, нафис ҳикматларга дуч келаверасан киши. Бирон санъат ва ҳунар тури йўққи, Алишер Навоий ўз муносабатини билдирмаган, ғамхўрлик кўрсатмаган бўлсин. Бугина эмас. Беш асрдирки, шоир ўз ижоди билан адабиёт ва санъат тараққиётида фаол хизмат қилиб келмоқда. Унинг бадиий юксак, инсоний ғояларга бой асарлари, айниқса, ғазаллари ва достонлари бутун бир минтақада шавқ-завқ билан ижро этилиб, авлод-аждодларимизни умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаб келди. Совет даврида Ғарб типидаги ўзбек театри бунёдга келган дастлабки йиллардан эътиборан Алишер Навоийнинг шеърлари, достонлари драма ва саҳна шаклларига кўча бошлади, бирмунча кейин эса шоир сиймоси, ҳаёти зарварақлари ҳам саҳналарда ўз аксини топди. Бу соҳаларда муайян йўл босиб ўтилди ва ибратли тажриба қўлга киритилди.

Тўғри, Совет ҳокимияти йилларида Алишер Навоий шахсияти ва ижодига қарашлар ўзгариб турди: муносиб баҳоланган пайтлари ҳам, шубҳа билан қаралган, тафтиш қилинган, тузатилган, ҳатто инкор этилган пайтлари ҳам бўлди. Кўп ҳолларда китобхон ва томошабинларни Навоий даражасига кўтаришни эмас, балки Навоийни диди ва савияси етарли одми аҳоли даражасига туширишни ўйладик. Бундай янглишув ва тайинсизликлар шоир ижоди, сиймоси ва ҳаётининг саҳналарда ёритилишига ҳам таъсир қилмасдан қолмади, албатта. Баъзан Алишер Навоийнинг достонлари атайин соддалаштирилди, баъзида қаҳрамонлари ҳукмрон мафкура, қарашларга мослаштирилди. Айниқса, «идеаллаштириш» деган тавқилаънат саҳна ижодкорларининг қўл-оёғини боғлаб, ҳамиша қўрқув ва даҳшатда сақлади. Хусусан, Алишер Навоий образини яратишда санъаткорлар ана шундай танқид гурзисидан чўчиб келдилар. Бундан ҳатто «Алишер Навоий» спектаклининг ижодкори Маннон Уйғур, Навоий образини ҳар бири ўзига хос қойилмақом қилиб гавдалантирган Аброр Ҳидоятов билан Олим Хўжаев ҳам четда қолмаган.

Аммо шунга қарамасдан ҳазрат Навоий достонлари, шоир образи саҳналарда яшайверди, томошабинларнинг янги-янги авлодларига умуминсоний қадриятлардан сабоқ беришда давом этаверди. Жамият билан бирга ижодкорлар ҳам ўзгариб, саҳнавий талқинлар ҳам турланиб, такомиллашиб, кўтаринки қаҳрамонона-романтик ечимлар ўрнини аста-секин руҳий-психологик таҳлил эгаллай борди.

Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигини муносиб нишонлаш учун жумҳуриятимизда бошланган кенг кўламли ҳаракатга театр жамоалари ҳам қўшилиб, бор асарларни қўлга олар, янгиларини қидирар эканлар, замон ўзгарганини, шоир шахсиятига, ижодига қараш ўзгарганини инобатга олмай ўтолмадилар. Шу тарзда янгича саҳнавий талқинлар даври бошланди. Навоийнинг ўзига, асл манбаларга таяниш, тарихий ҳақиқатга маҳкамроқ суяниш, эпик ва мифологик кўтаринкиликдан қочиб, оддий инсоний туйғулар ва муносабатларни кўрсатишга интилиш юбилей йилида яратилган кўпгина саҳна асарларига хос хусусиятлардир. Аммо бу билан яратилаётган барча асарлар юқори савияда демоқчи эмасмиз. Бадиий савиялар турлича, лекин янгиликка интилишнинг ўзи кишини қувонтиради. Уч спектакль мисолида айтилган фикр-мулоҳазаларни кўриш мумкин.

Маълумки, Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида машҳур режиссёр Маннон Уйғур саҳналаштирган «Алишер Навоий» спектакли узоқ йиллар мингминглаб томошабинларни ўзига мафтун этиб келди, бир неча авлоднинг қалби ва шуурида ўчмас из қолдирди. Спектаклда сўз, саҳнавий талқин, макон тасвири, кийим-кечак, мусиқа, юриш-туришлар ўртасида ажиб бир мутаносиблик, бадиий яхлитлик майдонга келди. Хусусан, унда эришилган саҳна маданияти ҳамон барча саҳна ижодкорлари учун намуна хизматини бажариб келмоқда.

Йил бошида Академик театр «АЛИШЕР НАВОИЙ» драмасига қайта мурожаат қиларкан, илгариги спектаклни ҳисобга олган ҳолда саҳналаштиришга масъулият билан ёндошди. Бу ишда режиссёрлик ишига энди-энди кириб келаётган актёр Турғун Азизов бош-қош бўлиб, янги талқин, янги йўл ислади. Саҳна кўринишлари шартли-образли (рассомлар У. Сайдалиев, А. Жибоедов) ифодаланди: бир ёнда тахт, бир ёнда шеърият, ўртада тарих ва умр йўли, Навоий тарих қаъридан биз томон келиб, яна тарих қаърига сингиб кетади, Ҳусайн Бойқаро эса саройни тарк этган Навоий ортидан термулиб қолади. Конфликт салтанат билан шоир, зулмат билан нур курашидан иборат. Саҳналаштирувчи Т. Азизов муаллифлардан бири Иззат Султон ёрдамида баъзи янгиликлар кашф этган. Навоий ва Ҳусайн Бойқаро ролларида иккитадан ижрочи чиқади: А. Навоийнинг кексалигини З. Муҳаммаджонов билан Ё. Аҳмедов, ёшлигини Б. Муҳаммадкаримов билан С. Умаров гавдалантирган, Ҳусайн Бойқаронинг кексалигини Т. Азизов билан Т. Каримов, ёшлигини М. Абдуқундузов билан М. Исмонилов ўйнаган.

Бундай янгилик мантиқли бўлиб, сўнгги кўринишлар билан аввалги воқеалар орасида анчагина вақт ўтганини аниқ таъкидлайди. Гули образига ҳам спектаклда катта эътибор берилган, яъни Гулининг ота хонадонида кечадиган бутун бошли 5-кўриниш тикланган: унда Гулининг дугонаси Қундузга кўнгил сирларини айтиши, Мажидиддин (Р. Каримов)нинг шоҳ номидан Гулига совчи бўлиб келиши, Гули ҳамда ота-онаси Қулмуҳаммад (Қ. Абдураҳимов) билан Хосият (Р. Иброҳимова)нинг изтироблари кўрсатилади. Умуман, спектаклда Навоийнинг оддий инсоний хислатлари (севгиси, шафқати, нафрати ва ҳоказо)ни тасвирлашга урғу берилган. Айниқса, Беҳзод Муҳаммадкаримов (ёш Навоий), Ёқуб Аҳмедов (кекса Навоий) шоирнинг нафақат ҳиссиётини, балки ақлий қудратини, адолатпарварлиги ва халқпарварлигини яхши тараннум этдилар. Уларнинг қиёфалари, хатти-ҳаракатлари, сўзларидан самимият, нур, ақл, нафосат ёғилиб туради. Навоий — замондошимиз, у биз билан бирга, деган ғоя спектаклда илгари сурилади. Шоирнинг халқ билан мулоқоти шунга қурилган: у кўп ҳолларда залда ўтирган томошабинларга мурожаат қилади.

Аммо Ҳусайн Бойқаро, Мажидиддин образларининг саҳнавий талқинлари эскича: Мажидиддин ўта маккор ва разил, Ҳусайн Мирзо ғофил ва иродасиз қиёфаларда гавдаланади. Жомий сиймоси илгаригидай соғда қолган. Бунда на режиссёрни, на ижрочиларни айблаб бўлади. Албатта, бугунги кунда, айниқса Ҳусайн Бойқарони бу тахлитда кўрсатиш увол. Ҳозир кўпчиликка аёнки, Ҳусайн Бойқаро ўз даврида ободончилик ишларига катта эътибор берган, илм-фан ва санъатда раҳнамолик кўрсатган, ўзбек тилида гўзал шеърлар ёзган илғор ҳукмдорлардан биридир. Лекин пьесада 50-йиллардаги янглиш қарашлар таъсирида фақат шоҳ сифатида, шоҳ бўлгандаям сарой аёнларининг фитналарига осонгина ишониб, фикрини тез-тез ўзгартириб турувчи беқарор шоҳ сифатида гавдалантирилган эди. Янгидан саҳналаштиришда образни қайта ишлаш керак эди. Худди шу каби Мажидиддин образини ҳам қайта кўриб чиқиш, Жомийни тўлақонли қилиб бериш зарур эди. Бу ўз навбатида асар конфликти ҳам бир даража ўзгаришига олиб келиши мумкин эди. Уйғун вафот этган, ҳаммуалиф И. Султон эса бир ўзи бундай масъулиятни ўз зиммасига олмади. Натижада образлар ҳам, конфликт ҳам эски тусда қолди, режиссёр ижрочилар янгилашга, юмшатишга қанча уринган бўлмасин, талқинларни ўзгартириб бўлмади.

Шу пайтгача Алишер Навоий ижодидан Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин, Баҳром ва Дилором, Суҳайл ва Меҳри фожиалари ҳақида ҳикоя қилувчи достон ва ривоятлар саҳналаштириб келинган. Мана энди шулар қаторига «Хамса»нинг кенг қамровли, фалсафий теран сўнгги достони бўлмиш «Садди Искандарий» асосида яратилган «ИСКАНДАР» номли драма қўшилди. Драма ҳам, унинг илк саҳнавий талқини ҳам Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театрида атоқли режиссёр Б. Йўлдошев ташаббуси билан майдонга келди. Инсценировкачи Ш. Ризаев достоннинг ўзига суяниб, воқеаларни шоир тилидан ҳикоя қилади. Олинган воқеалар кўп эмас: Файлақуснинг вафоти, Искандарнинг тахтга ўтириши, Доронинг элчи қиёфасида келиши, уруш, ғалаба, Искандарнинг Доронинг кесиб келтирилган боши билан мулоқоти, Искандарнинг вафоти. Пьесада воқеалар инсон ва инсоният учун асрлар давомида ақлларни забт этиб келган умумбашарий жумбоқлар устида фикр юритиш учун бир баҳона. Бу жумбоқлар устида аввало Навоий ўй суради, ижодий жараёнда тасвирлаётган воқеалари кўз олдида жонланади, ўлганда-ку шоҳ ҳам, гадо ҳам бир экан, нега тирикликда одамлар тахт, мансаб, мол-дунё учун талашадилар, деб изтироб чекади. Негаки, режиссёр Б. Йўлдошевнинг мақсади фикр кетидан қувиш, Навоий образи орқали, Искандар ва бошқа образлар орқали бир замонлар Навоийни қийнаган ўй-фикрларни, фалсафий мушоҳадаларни аниқ ва таъсирли шаклларда, соф адабий талаффузда шу кунги томошабинларга сингдиришдан иборатдир. Шу мақсадда рассом Г. Брим билан ҳамкорликда фожиали-фалсафий ечим таклиф этади, бир қатор рамзлар, тимсоллар ўйлаб топади, саҳналарни, муносабатларни йирма образли шаклларда қуради.

Саҳнада кишилик жамияти рамзи бўлмиш баланд қўрғон, бир ёнда будда, бир ёнда мажусийлик, бир ёнда христиан рамзий тасвирлари, ўртада эса ислом тимсоли бўлмиш меҳроб намоён. Сўл томонда олтин тахт, спектаклнинг сўнггида у тобутга айланади. Воқеалар давомида Навоий, унинг тасаввуридаги Искандар саватда келтирилган калла чаноқлари билан суҳбатлашади. Искандар элчи қиёфасидаги шаҳоншоҳ Доро келтирган ёқут копток ва тариқ тилсимини ечади. Шоҳ ва гадо саҳнамизда ранг-баранг тарихий-фалсафий манзаралар ҳосил қила бошлайди. У ўзи тасвирлаётган Искандарнинг ҳар бир сўзи, хатти-ҳаракати, қароридан ҳаяжонланади, гоҳ қаҳр, гоҳ меҳр билан кечаётган воқеаларни кузатади, уларга нисбатан ўз муносабатини билдириб боради, халқлар бошига ёғилган мусибатлардан, ранжу аламлардан жунбушга келади, оқилу доноларга қўшилиб Искандарни тўғри йўлга бошлашга ҳаракат қилади, лекин на илож, тарихда рўй берган машъум кечмишларни қандай қилиб бартараф қила оларди, бундан шоирнинг фиғони фалакка ўрлайди. Актёр бунга Навоий достонидаги воқеаларнинг ич-ичига кириб, фалсафасини чуқур идрок этганлиги, ҳар бир мисра, ҳар бир сўз маъносини чақиб, тушуниб ижро этганлиги туфайли эришган.

Айнан шу хусусият Э. Носиров ижросига ҳам хос. У Искандарни зиддиятларга тўлиб-тошган шоҳ сифатида гавдалантиради: тахтга истамай, ноилож ўтирди, лекин шоҳ бўлиб олгач салтанатни кенгайтиришни ўйлади, одамларга, халқларга яхшилик, адолат истади, бироқ унинг юришлари охир-оқибатда вайроналик, ўлим келтирди, дунёни забт этди, лекин бундан инсон сифатида қувонч, роҳат топмади, қўли очиқ кетди. Актёр қаҳрамонининг бир бирига зид ҳолатлари, ҳис-туйғулари, хатти-ҳаракатларини воқеалар силсиласига астойдил ишонган, сўзларнинг, ғояларнинг ичичига кирган ҳолда, гоҳ ўйчан-мушоҳадали, гоҳ ички тўлғониш, изтироб, иккиланиш, гоҳ қаҳрли, мустабид оҳанглар, ҳаракатлар билан, ёркин бўёқларда ифода қилади.

Аммо Искандар образида, бинобарин, спектаклда битта узилиш бор: Доро устидан ғалаба қозониб, фатҳ нашидасини татиган Искандар кўп ўтмай қазо қилади. Ахир, ўлими олдидан: «Мени қабрга элтар чоғда бир қўлимни тобутдан чиқариб қўйинг, токи халойиқ бу ҳолга ҳайрат, вале ибрат кўзи билан боқсин», деб васият қилган шоҳ шу қарорга келишдан олдин, фатҳ юришларидан қандайдир фавқулодда синоатларга дуч келган бўлиши тайин-ку. Режиссёр ва ижодий жамоа инсценировка муаллифи билан бирга достон тадқиқини давом эттирсалар керак. Шунда қайд этилган узилишни тўлдирарлар, деб умид қиламиз.

Алишер Навоий ижодини, унинг бадиий ва фалсафий-эстетик оламини, ҳаётини энди-энди жиддий тадқиқ этишга киришилди. Саҳнавий Навоийнома ҳам бундан мустасно эмас. Саҳна ижодкорлари шоир ижоди ва шахсиятини янгидан тадқиқ этишга киришдилар. Бу йўлда дастлабки қадам ташланди, холос. Аммо саҳна санъати иккиламчи, Навоий ижоди ва ҳаёти бўйича янги, замонабоп пьесалар яратилмаса, театрларимиз қанча орзу қилмасинлар, янгиликка интилмасинлар, узоққа боролмайдилар. Бинобарин, драматургларимиз илҳомбахш тулпорларига қамчи босмасалар бўлмайди.

Муҳсин ҚОДИРОВ,
санъатшунослик доктори, профессор.

● «Андижон» жамоа хўжалиги Учқўрғон районидаги пешқадам хўжаликлардан биридир. Бу йил 1024 гектар майдонга барака уруғи қадалди. Мақсад — ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил олиш. Дала гвардиячилари ҳосилининг 95 фоизини машиналарда йиғиштиришга аҳд қилишган.

Механизатор Абдухалил Худобердиев бу йил 200 тонна пахта териб бериш учун курашмоқда.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ҲАСАНБОЙЛИК МИРИШКОРЛАР

● Ҳаракатда — баракат

Тошкент шаҳри яқинида жойлашган Ҳасанбой қишлоғи бир пайтлар ўзининг ширин-шарбат узумлари билан машҳур эди. Катта-катта бозорларда: «Келиб қолинг Ҳасанбойнинг узумига!» деган чақириқлар харидорлар қулоғига тез-тез эшитилиб турарди. Ҳозир ундай эмас. Сабабини сўраб-суриштирганимизда ҳасанбойликлардан кўпчилиги узумчилик ўрнига гулчилик билан машғул эканликлари маълум бўлди. Аттанг, дея жуда ачиндик. Гул — пул эмиш! Узум-чи?! Анвойи гуллар ҳиди ҳар қанчалик ҳушбўй бўлмасин, бир шингил узумнинг ўрнини боса олмайди.

Ҳасанбойлик Мирсаид Исҳоқов бошқа баъзи бировларга ўхшаб ҳаётда енгил йўлни танламади. Турли мевали дарахтлар ила яшнаган боғини меҳр билан парвариш қиларди. Шу билан бирга, ҳовлисининг бир томонига молхоналар қуриб, қўйчилик ва қорамолчиликни йўлга қўйди. Орадан йиллар ўтиб, у бинойидек чорвадор бўлиб қолди.

Халқда «Қонида бор-да!» деган ибора кенг тарқалган. Ҳозир уч кам саксон ёшга борган Мирсаид отанинг ҳам қонида миришкорлик, меҳнатсеварлик, поклик, саховатпешалик аломатлари жўш уриб турибди. Отаси Исҳоқ Ғафуров кўплар қатори Зоғариқдан ариқ қазиб, Ҳасанбой қишлоғи далаларига сув чиқаришда фаол қатнашган, қўли ширин боғбон ва Ҳотам каби саховатли инсон бўлган. Онаси Тожинисо буви 102 ёшида оламдан ўтди, бир умр одамлар хизматида ва ҳурматида бўлди.

Мирсаид ота Исҳоқов узоқ йиллар давомида «Шарқ ҳақиқати» (ҳозирги Ильич номли) жамоа хўжалигида ҳалол меҳнат қилиб, пенсияга чиқди. Бундан бир неча йил муқаддам Тошкент шаҳридаги Педагогика кўчасида мазкур хўжаликка қарашли дўкон бўларди. Йил ўн икки ой сабзавот маҳсулотлари, узум, картошка ва ҳар хил тузламалар сотиларди. Дўкон мудири Мирсаид Исҳоқов одамларга хизмат қилиб чарчамасди. Кўпинча у бу ерда ётиб қолиб ишларди. Шу атрофдаги маҳаллаларнинг неча минглаб аҳолиси, Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти талабалари ва домлалари ундан беҳад миннатдор бўлган эдилар. Ҳозир ҳам ўша дўкон бор. Афсуски, кўпдан бўён қаровсиз аҳволда ётибди. Тошкент районидаги Ильич номли жамоа хўжалиги раҳбарлари ўзларига қарашли бу савдо тармоғини қайтадан ишга тушириб юборганларида эди, иқтисодий тангликлар давом этиб турган шу кунларда жуда савобли иш қилган бўлардилар...

Яқинда биз Ҳасанбой қишлоғида — Мирсаид Исҳоқов хонадонида бўлдик. Боғда анвойи мевалар ғарқ пишган. Қўй-қўзилар ва қорамолларнинг маъраган овози эшитилади. Отахон бир бошдан ўз хўжалиги билан таништира бошлади. Ола-қора говмуш боғлоқлик турган молхонага туташган қўйхонада ўндан зиёд дуркун қўзи боқувда экан. Совлиқ ва қўчқорлар эса унинг нариги тарафига жойлаштирилган. Энг юқорида — оғилхонада катта-кичик новвослар ковуш қайтариб ётибди.

— Қорамолу қўйлар жами ўттиз олти бош, — деди Мирсаид ота.

— Иккита новвосимиз бор эди, — гапга аралашди отахоннинг ўғли Мирфозил Исҳоқов. — Ҳар биттаси бир тоннадан ортиқ келарди, куни кеча сотдик. Баҳоли-қудрат баҳолаб, уйдан олиб кетишди.

— Гўшт қилиш учун етилган молларни шу ернинг ўзида сотиб юборавермиз, эл-дан ортиқ ҳақ сўрамаймиз. Ўрнига ўрин бозордан ёш моллар олиб келамиз. Туёқ сони камаймайди, — тушунтира бошлади Мирсаид ота. — Ем-хашакни бозордан олямиз. Колхозимизга Тўлқин деган йигит (фамилиясини билмайман) раис бўлиб келган. Хашак сўраб борсак, «Отахон, эсимдан чиқмайди, калламга ёзиб қўйганман», деб нуқул бошини кўрсатади.

— Ўша ваъдабоз раис ҳақида мабодо фельетон ёзадиган бўлсак, сарлавҳаси «Калладаги хат» бўлар эканда?! — деб ҳазиллашдик биз.

Отахон қотиб-қотиб кулдида, кейин: «Қўйинг, ёзманг» — деди жиддийлашиб.

Ҳасанбойлик миришкор отахон Мирсаид Исҳоқов пенсияга чиққанидан буён ана шундай хайрли иш билан машғул бўлиб келмоқда. Эл дастурхонига қанча гўшт етказиб берганини у ҳисоб-китоб қилиб қўйгани йўқ. Бу жуда яхши. Зеро, ҳайру саҳоватнинг ўлчови бўлмайди.

Сўнгги сўз ўрнида шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимизки, Мирсаид отага ўхшаган саховатли, миришкор кишиларни биз ҳар қанча қўллаб-қувватласак арзийди. Тошкент райони раҳбарлари ҳам фикримизга қўшилишса ажаб эмас.

У. ЮСУПОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

550

БОЛАЛАР АДАБИЁТИГА ЭЪТИБОР

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров раислигида ўзбек болалар адабиётини ривожлантириш муаммоларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди.

Бу муҳим масалага етарлича эътибор берилмаётганлиги таъкидланди.

Ёш авлод ўз тарихи ва маданиятини чуқурроқ ўрганишигагина эмас, шу билан бирга маънавий қадриятларнинг тикланишига ёрдам берадиган, умумий савияни оширадиган, ақл-зиёни камол топтирадиган яхши нашрларга ошно бўлишга ҳам муҳтождир. Нутқларда китоб савдоси, мактаблар ва болалар кутубхоналарини ўзбек тилидаги адабиётлар билан бойитиш муаммоларига алоҳида эътибор берилди.

Кенгашда болалар газеталари ва журналларининг муҳаррирлари, болалар ва ўсмирлар учун китоб чиқарадиган нашриётларнинг вакиллари, ёзувчилар иштирок этишди.

(ЎзТАГ).

КОЛХОЗЧИНИНГ ЎЗ ШИФОКОРИ БОР

Урта Чирчиқ ноҳиясидаги Ким Пен Хва номли жамоа хўжалиги табиб Холмурод Дадаев билан шартнома асосида яна бир янги шифо масканини очишга муваффақ бўлди.

Тажрибали тиббиётчи Х. Дадаев Тошкент педиатрия тиббиёти илмгоҳини тамомлаган. Бир неча йил тиббиёт соҳасида баҳолиқудрат хизмат қилди, тажриба тўплади, малака оширди. Изланишлар зое кетмади, у тиббиёт фанлари номзоди бўлди. Ҳозирги кунда малакали мутахассис жарроҳлик касалликларида сув-туз алмашинуви темаси устида илмий иш олиб бормоқда. Москва Тиббиёт Академиясининг докторанти ушбу мавзуда чуқур изланишларни давом эттираётир.

Суратда: табиб Холмурод Дадабоев бемор билан муолажа ўтказмоқда.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.



ЮЗИ ЁРУҒ ЖАМОА

(Телефон орқали олинди). Механик-ҳайдовчилар Э. Бобоев, П. Бобомуродов, Р. Яхшиев, Э. Ҳайдаров ва А. Ражабовлар ўз машиналари бункеридан хирмонга 80-90 тоннадан пахта тўкдилар.

Улар меҳнат қилаётган Қашқадарё вилояти Ульянов районидаги «Пахтакор» давлат хўжалигининг теримчилари ва механик-ҳайдовчилари ғанимат дамлар қадрига етишга интилмоқдалар. Жуманазар Мавлонов бошлиқ бригада жамоаси маррага етиб, ҳозиргача ҳар гектар майдондан 30 центнердан ошириб «оқ олтин» териб олишди. Ҳосил чўғи эса баланд. Шунга яраша кўплаб теримчилар ва механик-ҳайдовчилар терим суръатини кун сайин оширишга ҳаракат қилишяпти.

А. БЕКЧОНОВ.

● *Бетга айтганнинг заҳри йўқ*

ИШЛАГАН АЙБДОРМИ?

Гап шундаки, халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши раёсати шу йил 20 август куни мени Сиёб колхоз бозори директори вазифасидан озод қилди. Гарчи бу ғайриқонуний, атайин тўқиб чиқарилган қарор амалга ошмаган бўлса-да, атрофимда пайдо бўлаётган гап-сўзлар мени қалам олишга ундади.

Аслида қарор мен учун янгилик эмас. Чунки ушбу бозорга директор бўлганимдан бери шаҳар ва райондаги айрим раҳбарларга ёқмай қолганман. Негалигини ўзим ҳам тушунмайман. Айниқса, «Совет Ўзбекистони» («Ўзбекистон овози») рўзномасининг 3 апрель сонида чиққан «Отанг бозор, онанг бозор» сарлавҳали мақоламдан кейин вазият янада кескинлашди. Мен унда шаҳар раҳбарларини бозорда ҳар хил савдо дўконлари қурилишига йўл бермаётганликда айблаган эдим.

Бозор аслида деҳқонники. Бироқ кейинги вақтларда унинг атрофини, ҳатто ички қисмини ҳам саноат моллари дўконлари эгаллаб олишаяпти. Ўтган йили қаршилигимизга қарамай, туппа-тузук пешайвонни бузиб, ошхоналар трести, Сиёб район озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси идораси дўконлар қуришди. Ертўлалардаги жойларни саноат моллари омборига айлантиришди. Аммо тегишли маҳкамаларга қилган арзимиз жавобсиз қолди. Буниси етмаганидек, халқ депутатлари район Кенгаши раиси Фаррух Ҳошимов мени «Сиз бу ишларга аралашманг», дея уришиб берди.

Маҳкамачиликнинг қудрати шундаки, у битта маълумотнома орқали қорани оқ, оқни эса қора қилиб кўрсатиши мумкин. Демоқчиманки, нуфузли раҳбарлар устимдан маълумот тўплаб, бозорни текшир-текширга кўмиб ташлашди. Бироқ, хўжаликлар билан шартнома тузиб, бозорга мева-чева келтиришни ташкил этиш уларнинг хаёлига ҳам келмайди. Улар бу юмушни ҳам менинг гардонимга юклашган. Ваҳолонки, бунинг учун вилоят марказида ўнлаб идоралар бор.

Шаҳар Кенгаши раёсати қарорида мени бозорда олиб-сотарликнинг олдини олмаганликда айблашади. Ҳайронман, наҳотки, Кенгаш раиси Н. Ёқубов бу иш ички ишлар органларига тегишли эканлигини билмаса?

Мен ўзимни оппоқ қилиб кўрсатмоқчи эмасман. Тўғри, ишлаган киши хатоликка йўл қўяди. Камчиликларни эса тузатиб боряпмиз. Аммо иш бошлаганимдан буён босган қадамингни бошқача кўз билан кузатиб туришса, алам қиларкан кишига. Ҳар йили шаҳар партия комитети томонидан фаолиятим ўрганилади. 1990 йилда Сиёб район халқ назорати комитети раиси Ф. Абдусаматов бошлиқ комиссия ишимизни ўрганиб, мени вазифамдан четлаштирган эди. Вилоят халқ назорати комитети аралашгач, ишимни давом эттирдим. Шуниси қизиқки, шаҳар партия комитети бу йил фаолиятимни яна бир бор текшириб кўрди. Аммо бу гал ҳам комиссияни ўртоқ Ф. Абдусаматов бошқарди.

Дарвоқе, шикоятчилар ишдан асосли равишда бўшатилган хизматчиларимиздир. Жамоа ўртасида улар ўз иззаларини олишган. Аммо юқори идораларнинг раҳбарлари уларга ишониб текшириш ўтказаётганларига ҳайронман. Бунинг устига текшириш якунлари жамоа ўртасида атрофлича муҳокама қилинмайди.

Ҳайриятки, вилоят тайёрлов кооператив савдо корхонаси тузилди. Унинг раҳбарлари бизни дарҳол тушунишди, аҳволимизни ўрганиб, ижара пудратида ишлашга руҳсат беришди. Аввалги шартномамизни қайтадан туздик. Очиғи ишимиз ёмон кетмаяпти. Аммо шаҳар ва район идораларининг текшир-текшири жонимга тегди. Илтимос, бу масалада менга ёрдам берсаларингиз. Мен қандай йўл тутай?

Ҳурмат билан, Самарқанддаги Сиёб деҳқон бозори директори:

Мақсуд АЗИЗОВ.

• *Кўрган-кечирганларингиздан ёзиб туринг, қўлингиз дард кўрмасин!*

● МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИ — ЯНГИЛАНИШ, ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИ

Ҳалол меҳнат — ютуқ гарови

Ҳозир Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганлиги қувончимизга қувонч қўшмоқда. Очиғини айтганда, бу кунларга катта қийинчилик, паст-баланд йўллардан етиб келдик. Лекин ҳали муаммолар олдинда. Мустақилликни мустаҳкамлаш учун яна қанчадан-қанча давонларни ошиб ўтишга тўғри келади.

Жумҳуриятимиз раҳбарлари аҳволни ўнглаш учун қўлдан келган ҳамма ишларни қиляптилар. Асосийси, ишончни мустаҳкамлаш учун ғамхўрликни кучайтирмоқдалар.

Инсонда эртанги кунга ишонч, иштиёқ бўлса, баракали меҳнат қилади, тадбиркорлик ва ташаббускорлик кўрсатади. Ҳозирча одамларимизнинг кайфияти ёмон эмас. Бу йил 2300 гектар ерда пахта етиштирилди. Фидокорона меҳнат туфайли ҳосил чўғи мўл. Давлатга қисқа муддатда 5,5 минг тонна «оқ олтин» сотиш учун йиғим-теримни бошлаб юбордик. Теримда қирқта терим агрегати иштирок этаяпти.

Илгари биз план, мажбурият изидан қувиб инсонга ғамхўрлик кўрсатишни унутардик. Ҳозир талаб бутунлай бошқача. Асрий орзуларимиз рўёбга чиқадиган пайт келди. Фақат ҳалол меҳнат қилиб республикамизнинг гуллаб-яшнашини таъминлашимиз мумкин.

Ш. ҲАҚНАЗАРОВ,
Ульянов районидаги 18-совхоз директори.



Мўйдин Мўминов ёшлигидан меъморчиликка қизиқди. Шу боис мактабни битиргандан кейин кўп ўйлаб ўтирмади. Ўзи севган касбни танлаб қўя қолди.

Мана, шунга ҳам 20 йил бўлибди. Мўйдинжон ўтган давр ичида неча-неча тарихий обидаларни, маданий ёдгорликларни таъмирламади, дейсиз. Унинг тинимсиз ҳаракатлари, меҳнатсеварлиги эвазига Термиз, Навоий ва Бухоро шаҳарларидаги бир қанча мадраса ва тарихий ёдгорликлар қайтадан жонланди, кишиларимизни ўтмиш маданияти дурдоналаридан баҳраманд бўлишга чорлади.

Ҳозир моҳир таъмирловчи XVI асрда бунёд этилган Абдуллахон мадрасасини қайтадан тикламоқда. Шу билан бирга жамоатчилик ишларида ҳам фаол қатнашяпти.

СУРАТДА: моҳир таъмирловчи Мўйдин МУМИНОВ.

В. МИРОШЧЕНКО олган сурат.

● ИЛТИМОС

ОРДЕН ЭГАСИНИ ТОПСА...

Мен ҳаҳ орқали сизларга мурожаат этмоқчиман. Ўзим қирқ йилдан буён халқ маорифида ишлайман. Амаким Ражабов Абдулла 1941 йилда фронтга жўнатилган эди. У киши жангда мардлик кўрсатиб, ҳалок бўлганлар. Урушга кетганларидан кейин етти ой ўтгач, ўғиллари Абдуллаев Иззатилла номига мактуб келди. Шундан буён бирор хат-хабар йўқ эди.

Ўтган йили апрель ойида «Ветеран» рўзномасида Қашқадарё вилояти Китоб районидан Ражабов Абдулла Ленин орденига тавсия этилгани ёзилди. Унда қариндош-уруғлари бўлса, ана шу мукофот юборилиши мумкинлиги маълум қилинган эди. Мен Китоб район ҳарбий комиссари ўринбосари Нурматовга учрашиб, қаҳрамоннинг фарзанди ва қариндошлари борлигини, адресини айтдим. Яна 6—7 марта учраштим. Лекин натижа йўқ. Жавоб битта! Бордию, биз Москвага ёзиб, жавоб олсак, мукофот район орқали топширилиши мумкин экан. Наҳотки юксак мукофотга сазовор бўлган кишининг хотирасини эъзозлашнинг иложи бўлмаса. Бу ҳақда мазкур иш билан шуғулланувчи мутасадди раҳбарлар нима дейишаркин.

Хатни оққа кўчирувчи

З. ШУКУРОВ.

● ЛУҚМА

БУҒДОЙНИ НИМА ҚИЛДИНГИЗ?

Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот райони аҳолиси шу кунларда буғдойга зор. Уларга гуруч ҳам вақтида етказиб берилмаяпти. Бу нимани оқибати? Албатта, ҳосилдорлик пасайиб кетгани бунга сабаб бўлмоқда. Масалан, Чапаев номли давлат хўжалигида ҳар гектар майдондан 24,6 центнердан ҳосил олинган бўлса, «Кўнғирот» давлат хўжалигида ҳосилдорлик 10 центнердан ошмади. «Хоразм», «Партия XXIV съезди», Ажиниёз номли давлат хўжаликларида эса ҳосилдорлик 4,2—6 центнердан кўтарилгани йўқ. «Ленинизм», «Равшан», Ильич номли давлат хўжаликларида умуман буғдой экилмади.

— Ҳозир одамларга ҳатто бир килограмм ҳам буғдой берилмади, — дейди район агросаноат уюшмаси агрономи Т. А. Нестеренко. — Яқинда «Ленинизм» давлат хўжалигида бўлдим. Бу ерда одамлар Президент Фармони бўйича буғдой берилмаганлигидан шикоят қилишди.

Умуман район бўйича раҳбарлар билан учрашганимизда улар хўжаликларда кўп йиллар давомида буғдой ва арпа экилмаганлиги учун ҳосилдорлик паст бўлганлигини айтишди. Устига-устак бу экинларни озиқлантириш ва суғоришда нуқсонларга йўл қўйилди. Натижада район бўйича 270 гектар майдонга экилган буғдойнинг ҳар гектаридан 10 центнердан, 95 гектар майдондаги арпадан 8 центнердан ҳосил олинди, холос.

— Ўтган йили кузда уруғ топа олмаганимиз учун кўпгина майдонларга буғдой экилмади, — дейди район ижроия комитети раиси Қуанишбой Қусенов. — Тегишли ташкилотлар эса бу борада бизга ёрдам кўрсатмади. Шу боис аҳолига 100 килограммдан буғдой етказиб беришда қийналиб қолдик. Энди четдан маҳсулот келтиришимизга тўғри келади.

Бу йил район бўйича ўтган йилгидан кўпроқ майдонларга дон этиш мўлжалланмоқда. 760 гектар майдонга кузги, 340 гектар майдонга баҳорги буғдой экиш режалаштирилган. Айни шу кеча-кундузда экин майдонларини ҳозирлаб қўйиш керак эди. Аммо бу иш ҳамон пайсалга солинмоқда. Бунинг устига яна уруғлик масаласи хўжаликларни қийнаб қўймоқда. Бизнингча, бу борада Ўзбекистон Республикасининг тегишли ташкилотлари ёрдам қўлини чўзишлари керак. Акс ҳолда келгуси йилда аҳоли яна буғдойсиз қолиши мумкин.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● **БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ СИЗЛАРГА МАЪЛУМ:**

Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32-уй.

СПОРТ

ПЕШҚАДАМЛАР МАВҚЕИ

Биринчи лига футбол жамоалари мавсумни муваффақиятли якунлашга ҳаракат қилишмоқда. Ҳал қилувчи давра учрашувлари қизғин ва муросасиз баҳсга айланмоқда. Навбатдаги учрашувларда фахрли ўринларни эгаллаб турган жамоалар ўз майдонларида куч синашдилар. Чунончи, «Ротор» футболчилари Фарғона водийси жамоаларини қабул қилиб, жаъми ғалабаларини 19 тага етказдилар. Роторчилар ҳозир 47 та очко билан ягона пешқадам бўлиб туришибди.

Фарғонанинг «Нефтяник» футболчилари 0:2 ҳисобида имкониятни бой беришган бўлса, Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси ўз дарвозаларидан учта тўп ўтказиб юборишди. Иккинчи ўринни эгаллаб турган «Тилғул» футболчилари ҳам мавқеларини мустаҳкамладилар. Улар «Буковина» жамоасини 2:1 ҳисобида енгиб, 41 очко билан мустаҳкамланиб олишди. «Ростсельмаш» жамоаси ҳам бўш келмаяпти. Бу жамоа учинчи ўриндан кўтарилишга ҳаракат қиляпти. Улар «Текстильщик» (1:1) ва «Факел» (2:1) футболчиларидан устун келиб, 40 та очко тўплашди.

Фарғона водийси футболчилари иккинчи учрашувни «Қайрат» майдонида ўтказишди. «Навбаҳор» 2:6 ҳисобида енгилган бўлса, «Нефтяник» битта тўп киритиб, тўртта ўтказиб юборди. Шундай қилиб, футболчиларимиз яна сафар ўйинларида имкониятни бой беришдек «анъаналарига» содиқ қолишди. Ваҳолонки, «Нефтяник» ва «Навбаҳор» ўз майдонида ўтказилган ўйинларда мухлисларни қувонтириб, мавқеларини мустаҳкамлаб олишган эди. Негадир, сафар ўйинларида дуранг ўйнаб, очколарни бўлашиб олиш ёхуд ғалаба қозониб, кўпчиликни мамнун этиш футболчиларимизга насиб этмаяпти. Мавсум эса якунланиб бормоқда. Фарғона водийси футбол жамоалари чемпионатнинг якунловчи ўйинларини кўтаринки руҳда ўтказишса, мақсадга мувофиқ бўларди.

(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 27 сентябрда чиқади).

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИДАГИ БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

доцентлар: педагогика ва муҳандислик психологияси (фан номзоди), йўл харакатини ташкил этиш, транспорт иқтисодини бошқаришнинг хўжалик механизми, автомобиль йўллари, кўприклар ва транспорт тоннелларини тадқиқотлаш ва лойиҳалаш (3), йўл хўжалиги иқтисоди ва уни ташкил қилиш, иссиқлик техникаси ва муҳандислик экологияси, ўзбек тили, автомобиллар;

катта ўқитувчилар: педагогика ва муҳандислик психологияси, муҳандислик геодезияси, геология ва қурилиш материаллари; Термиз умумтехника факультети учун: чизма геометрия ва муҳандислик графикаси, ҳисоблаш техникаси ва амалий математика, сиёсий тарих, транспортда юк ташиш ва бошқаришни ташкил этиш;

ўқитувчилар: Термиз умумтехника факультети учун — инглиз тили;

ассистентлар: автомобилларни техникавий ишлатиш (2), автосервис ва ресурсларни жамғариш, бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолиятининг таҳлили, йўл харакатини ташкил этиш (2), автотранспортда режалаштиришни ташкил этиш (3), муҳандислик геодезияси, геология ва қурилиш материаллари (2), кўприклар ва транспорт тоннеллари, йўл хўжалиги иқтисоди ва уни ташкил этиш, жисмоний тарбия.

ТАНЛОВ МУДДАТИ — 4 ОКТЯБРГАЧА.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 20-уй.

ТЕХНЕЗИС—ИНФО

БУ — СЎЗСИЗ БАЖАРИЛИШИ, СИФАТ, ТЕЗКОРЛИК ВА БУЮРТМАЧИНИНГ ҲАМИША ҲАҚ ЭКАНЛИГИГА БЎЛГАН ИШОНЧДИР.

Бизнинг ускуналаримиз ва дастурий воситаларимиз кўпгина корхоналарда жорий этилган.

«УРАЛ» Совет-Британия қўшма корхонасининг

«ТЕХНЕЗИС-ИНФО ЛТО» ТАШКИЛОТИГА ВА «ИНФОРМСЕРВКА» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КООПЕРАТИВИГА МУРОЖААТ ҚИЛСАНГИЗ

СИЗГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ЕТКАЗИБ ВА ИШГА ТУШИРИБ БЕРИШАДИ:

— яхлитлаштирилган ҳисоблаш тармоқлари;
— битта 1 ВМ РС ХТ/АТ хусусий ЭҲМ негизидаги кўп терминалли тизимлар;
— 1ВМ РС ХТ/АТ негизидаги ишлаб чиқариш-техника комплекслари;
— мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 1ВМ РС ХТ техникаси негизидаги ишлаб чиқариш-техника комплекслари:
Искра 1031 (рангли монохром), ЕС 1841, 10, ЕС 1842 СМ 1810;
— қўшма ташқи мосламалар: сканерлар, стриммерлар, лазер принтерлари:
— Ксерокслар;
— Телефакслар ва ҳоказолар;
— дастурий воситалар (ойлик УМЦ. банк операциялари ва ҳоказолар).

Буюртмачининг хоҳишига кўра «ТЕХНЕЗИС-ИНФО» етказиб берилган техникани таъмирлаш ва унга техника хизмати кўрсатиш ишларини амалга оширади ва дастурий воситаларни ишлаб чиқади. Дастурий воситаларни жорий этиш муддати — 1—2 ой.

«ТЕХНЕЗИС-ИНФО» шартнома тузишга кўмаклашган шахсларга миннатдорчилик билдиради ва агентлик хизматлари учун ҳақ тўланишини назарда тутади.

Манзилимиз: 700077, Тошкент шаҳри, Луначарский узун кўчаси, 63-уй.

Телефонлар: 67-25-57, 67-77-06, 67-04-90.
Факс: 67-85-86.

«ЭТАЛОН» ЎЗБЕКИСТОН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

ташкилотлар, саноат корхоналари, жамоа ва давлат хўжаликлари, ўқув муассасалари ва барча метрологик хизматларнинг раҳбарлари эътиборига

БИРЛАШМА ЗАВОДЛАРИ

тарози-ўлчов, радиоўлчов, электр ўлчов асбоблари, сарф-харажатни, ҳароратли босимни ўлчаш асбоблари, материалларнинг механикавий хоссаларини ўлчаш асбоблари, мой-бензин тарқатиш колонкаларидаги физикавий-кимёвий катталикларни ўлчаш асбобларини таъмирлаш бўйича

1992 ЙИЛ УЧУН

ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШГА КИРИШГАНЛИГИНИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Манфаатдор ташкилотлар шартнома тузиш учун бирлашманинг завод ва филиалларига хат орқали мурожаат қилишлари ва бу хатда таъмирланиши керак бўлган ўлчаш воситаларининг рўйхатини келтиришлари, шунингдек, асбобларнинг номи, тури, миқдори ва қачон таъмирлаш кераклигини кўрсатишлари лозим.

ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИНИ ТАЪМИРЛАЩ ЮЗАСИДАН ШАРТНОМА ТУЗИШ МУМКИН БЎЛГАН ЗАВОД ВА ФИЛИАЛЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ:

ТОШКЕНТ шаҳри, Губкин кўчаси, 1«а» уй. Телефон: 67-52-04.
ЧИРЧИҚ шаҳри, Совет кўчаси, 4«а» уй. Телефон: 63-621.
ЯНГИЙЎЛ шаҳри, Мопр кўчаси, 9-уй. Телефон: 73-744,
ГУЛИСТОН шаҳри, Короленко кўчаси, 11-уй. Телефон: 22-311.
САМАРҚАНД шаҳри, Гагарин кўчаси, 253-уй. Телефон 70-737.
НУКУС шаҳри, Горький кўчаси, 1«а» уй. Телефон: 24-216.
УРГАНЧ шаҳри, Димитров кўчаси, 201-уй. Телефон: 55-203.
БУХОРО шаҳри, Киров кўчаси, 39-уй. Телефон: 37-805.
АНДИЖОН шаҳри, Бозор кўчаси, 4-уй. Телефон 59-793.
НАМАНГАН шаҳри, Зирабулоқ боши берк кўчаси, 3-уй. Телефон: 65-974.
ФАРҒОНА шаҳри, Қосимов кўчаси, 11-уй. Телефон: 44-112.
ҚУҚОН шаҳри, Ленинобод кўчаси, 80-уй. Телефон: 22-698.

ТОШКЕНТ ДОРИШУНОСЛИК ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

кафедралар бўйича

ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИДАГИ БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

доцентлар: микробиология ва гигиена фуқаро мудофааси курси билан (2), фармакотерапия биринчи тиббий ёрдам курси билан, провизорлар малакасини ошириш куллиётининг: фармация ишини ташкил этиш ва унинг иқтисоди (2), фармацевтик кимё фармакогнозия курси билан, дори тайёрлаш технологияси ва фармакология;

катта ўқитувчилар: жисмоний тарбия ва соғломлаштириш (2);

ўқитувчилар ва ассистентлар: жисмоний тарбия ва соғломлаштириш (5), микробиология ва гигиена фуқаро мудофааси курси билан, анатомия асослари билан биология ва физиология, фармакотерапия биринчи тиббий ёрдам курси билан, тиббиёт — фармацевтика товаршунослиги ва фармацевтик ахборот, фармакогнозия.

ТАНЛОВ МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700015, Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй.

ДИҚҚАТ!

АЭРОФЛОТ ИМТИЁЗЛАРИ

1991 ЙИЛ 1 ОКТЯБРДАН 1992 ЙИЛ 31 МАЙГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА ҚУЙИДАГИЛАРГА 50 ФОИЗ ҲАЖМИДА ИМТИЁЗ БЕРИЛАДИ;

— уруш ногиронлари, шунингдек Улуғ Ватан уруши ногиронларига тенглаштирилган шахсларга;
— ҳарбий хизматни ўташ даврида орттирган умумий касаллик оқибатида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар ва бошқа шахсларга;
— ишлаш-ишламаслигидан қатъий назар, пенсия ёки ногиронлик нафақасини олаётган меҳнат ногиронларига;
— ишлаш-ишламаслигидан қатъий назар, давлат пенсия ёки нафақасини олаётган, болалигидан ногирон бўлганлар (шу жумладан, 5 ёшдан 16 ёшгача бўлган ногирон болаларга (5 ёшдан 12 ёшгача бўлган ногирон болаларга болалар билетининг қийматидан 50 фоиз ҳажмида имтиёз берилади);
— биринчи гуруҳ ногиронларини кузатиб борувчи шахсларга (имтиёз олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир ногиронга бир кишидан ортиқ бўлмаган ҳолда. 16 ёшгача бўлган ногирон болаларни кузатиб борувчи шахсларга йўлкирада имтиёз берилмайди, чунки 16 ёшгача бўлган ногирон болалар учун ногиронлик гуруҳи белги, ланмайди);
— 15—17 ёшдаги ўсмирларга (Бутуниттифоқ касаба Уюшмалари Марказий Кенгашининг махсус йўлланмалари бўйича санаторийларга бориш ва қайтишда);
— фуқаро авиацияси олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг аспирантлари, талабалар, тингловчилар ва курсантларига, ҳунар,техника билим юртлари ва уларнинг филиалларининг фуқаро авиацияси корхоналари учун кадрлар тайёрлайдиган ихтисослашган гуруҳларда— кундузги бўлимларда таълим олаётган ўқувчиларига — фақат 15 декабрдан 15 мартгача бўлган даврда.
— фуқаро авиацияси учувчилик ўқув юртларининг кундузги бўлимларида таълим олувчи курсантларга — 1 октябрдан 15 мартгача.

1991 ЙИЛ 15 ДЕКАБРДАН 1992 ЙИЛ 15 МАРТГАЧА (кундузги таълимда) ҚУЙИДАГИЛАРГА 30 ФОИЗ ҲАЖМИДА ИМТИЁЗ БЕРИЛАДИ:

— мамлакат олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари ва ўқувчиларига;
— СССР Мудофаа вазирлиги, СССР Ички ишлар вазирлиги, шу жумладан Ички ишлар вазирлигининг Олий терговчилар мактаби, СССР Давлат Хавфсизлик Комитетининг олий махсус ва ҳарбий-ўқув юртларида таълим олаётган, офицерлик ёки раҳбарлик составидаги махсус унвонга эга бўлмаган тингловчилари ва курсантларига;
— 12 ёшдан катта бўлган ўрта умумтаълим мактаблари, ўрта махсус мусиқа ва бадиий мактабларнинг ўқувчиларига, суворовчилар, нахимовчиларга;
— хорижда таълим олаётган совет талабаларига ва Совет Иттифоқининг олий ва ўрта ўқув юртларида таълим олаётган чет эл фуқароларига, шу жумладан 12 ёшдан катта бўлган чет эллик мактаб ўқувчиларига;
— олий ўқув юртлари қошидаги ўқув муҳлати 8 ойлик тайёрлов бўлимларида таълим олаётган тингловчиларга (ана шу 8 ой 1 ўқув йилига тенг деб ҳисобланади);
— хунар-техника билим юртларининг, шу жумладан вазирликлар ва маҳкамаларнинг халқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрловчи, ҳунар-техника таълими ўқув юртларига тенглаштирилган ва ўқиш мухлати 10 ойдан кам бўлмаган ўқув муассасаларининг ўқувчиларига;
— БЛКЁИ Марказий Комитети қошидаги Олий комсомол мактабининг тарих факультети ва журналистика бўлими талабаларига.

Имтиёзли билет қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилган ҳолда расмийлаштирилади;
— Улуғ Ватан уруши ногирони гувоҳномаси;
— Пенсия гувоҳномаси ва эгасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;
— ноҳия ёки шаҳар ижтимоий таъминот бўлимининг маълумотномаси ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат — 16 ёшгача бўлган ногирон болалар учун;
қуйидаги ҳужжатлардан бири 1-гуруҳ ногиронининг пенсия гувоҳномаси; Улуғ Ватан уруши ногирони гувоҳномаси, имтиёз берилиш ҳуқуқи тўғрисидаги ногиронлик гувоҳномаси — 1-гуруҳ ногиронларини кузатиб борувчи шахслар учун;
Касаба уюшмалари курортларини бошқариш Марказий Кенгашининг йўлланмалари, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома — санаторийларга бораётган ва қайтаётган 15—17 ёшли ўсмирлар учун;
— аспирантлик гувоҳномаси, талабалик билети, тингловчи (ўқувчи) билети;
— ҳарбий унвони, мансаби кўрсатилган ҳарбий билет;
— ҳарбий унвони, мансаби (курсант, тингловчи) кўрсатилган шахсий гувоҳнома — прапоршчиклар ва мичманлар учун;
— Совет Иттифоқида берилган халқаро талабалик гувоҳномаси ва чет элда ўқиётганлигини тасдиқловчи ҳужжат — чет элда таълим олаётган совет талабалари учун.

Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг амал қилиш муддати жорий ўқув йилига узайтирилган ҳамда муҳр ва штамп билан тасдиқланган бўлиши лозим.

ИМТИЁЗЛИ ТАРИФЛАР БАРЧА ТУРДАГИ САМОЛЕТЛАРДА, ШУ ЖУМЛАДАН, АГАР ҲАВО КЕМАСИНИНГ ТИЖОРАТ-ЮКЛАШ МЕЗОНИ БУЮРТМАЧИ ТОМОНИДАН ТЎЛИҚ ФОЙДАЛАНИЛМАГАН БЎЛСА, БУЮРТМА РЕЙСЛАРНИ БАЖАРИШ ВАҚТИДА ҲАМ АМАЛ ҚИЛАДИ.

АЭРОФЛОТ КАССАЛАРИДА ИМТИЁЗЛАР ҲАҚИДА МУКАММАЛ МАЪЛУМОТ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ БОШҚАРМАСИ ҲАВО ЙЎЛЛАРИ МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИНИНГ РЕКЛАМА БЮРОСИ.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиётва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика— 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35,32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода—3-96-12 Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ЖАМОАСИ

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5984.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди—21.50.

№ 188.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12